

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.27.06.2017.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

СИДАМЕТОВА ЗАЙНАБ ЭНВЕРОВНА

**«ФЛЕГМЕН» ЯНГИ ТИНЧЛАНТИРУВЧИ ЙИҒМАСИНИ
СТАНДАРТЛАШ**

15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of doctor of philosophy dissertation (PhD)

Сидаметова Зайнаб Энверовна

«Флегмен» янги тинчлантирувчи йифмасини стандартлаш..... 3

Сидаметова Зайнаб Энверовна

Стандартизация нового седативного сбора «Флегмен»..... 19

Sidametova Zaynab Enverovna

Standardization of new sedative tea «Flegmen»..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 38

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.27.06.2017.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

СИДАМЕТОВА ЗАЙНАБ ЭНВЕРОВНА

**«ФЛЕГМЕН» ЯНГИ ТИНЧЛАНТИРУВЧИ ЙИҒМАСИНИ
СТАНДАРТЛАШ**

15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2017.3.PhD/Far18 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталаида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Олимов Немат Каюмович

фармацевтика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Урманова Флюра Фаридовна

фармацевтика фанлари доктори, профессор

Бобаев Исомиддин Давронович

кимё фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

«Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника

экспертизаси ва стандартизацияси Давлат маркази»

ДУК

Диссертация химояси Тошкент фармацевтика институти хузуридаги DSc.27.06.2017.Far.32.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-йй. Тел.: (99871) 256-37-38; факс: (99871) 256-45-04; e-mail: pharmi@pharmi.uz).

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент, Ойбек кўчаси, 45-йй. Тел.: (99871) 256-37-38.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» ____ куни тарқатилди.

(2018 йил «___» ____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

И. И. Алимджанов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ё.С. Кариева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д., профессор

С.Н. Аминов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш кошидаги Илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда бутун дунёда ахборот оқимининг кўпайиши, турли стресс ҳолатларининг юзага келиши оқибатида асаб тизими бузилиши билан боғлиқ касалликлар сони ортиб бормоқда ва бу ўз навбатида, тинчлантирувчи воситаларга бўлган талабнинг ортишига олиб келмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ер шари ахолисининг каттагина қисми умри давомида асаб ва руҳий муаммоларга дуч келади ва психотроп воситалардан фойдаланади¹. Сўнгги йилларда тинчлантирувчи дори препаратларини ишлаб чиқаришда Германия, Франция, Австрия, Польша, Ҳиндистон давлатлари етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Бундай препаратларни маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариш истиқболли бўлиб, муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида асаб тизимининг бузилиши натижасида келиб чиқадиган невроз, невротик ва депрессия ҳолатларини даволашда кўлланиладиган дори воситаларини яратиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Таъкидлаш лозимки, мавжуд тинчлантирувчи дори воситаларининг кўпчилиги синтетик характерга эга бўлиб, ножўя таъсирга эга. Шунинг учун ҳам кўпроқ доривор ўсимликлар асосида олинган препаратларга бўлган талаб ошиб бормоқда. Мазкур йўналишда олиб борилаётган илмий изланишларда, Ўзбекистонда ўсадиган Регель қўзиқулоғи (*Phlomis regelii* M. Pop.), туркистон арслонқўйруғи (*Leonurus turkestanicus* L.), қалампир ялпизи (*Menhta piperita* L.), ва туксиз чучукмия (*Glycyrrhiza glabra* L.) ўсимликлари асосида тинчлантирувчи воситасини яратиш ва стандартлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шуни таъкидлаш лозимки маҳаллий хомашёлар асосида олинган тинчлантирувчи ва комплекс таъсир этиш хусусияти бўйича хориждан келтириладиган маълум дори воситаларидан қолишмайди. Тинчлантирувчи “Флегмен” дори воситасини яратилиши ва тиббиёт амалиётига жорий этилиши чет элдан олиб кирилаётган дори препаратлари ҳажми ва ассортиментини камайтириши билан долзарб ҳисобланади.

Маҳаллий доривор ўсимликларнинг илмий асосда танланган комбинацияси асосида инновацион тинчлантирувчи дори воситаларини яратиш замонавий фармацевтика фанининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг IV бобида «фармацевтика саноатини ривожлантириш, аҳолини самарали, арzon, иқтисодий ва социал муаммоларни таъминлаш»² бўйича давлатнинг муҳим ижтимоий вазифалари белгилаб берилган. Бу

¹Информационный бюллетең ВОЗ. 2017/2.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» ПФ-4947-сон Фармони.

вазифаларни бажаришда «Зомин-фарм», «Паркент-фарм», «Сирдарё-фарм», «Косонсой-фарм», «Бўстонлиқ-фарм», «Нукус-фарм» каби иқтисодий ишлаб чиқариш зоналарини ташкил этилиши, маҳаллий доривор воситалар бозорини ўзимизда ишлаб чиқариладиган юқори сифатли дори воситалари билан тўлдириш, уларни чукур қайта ишлаш ҳамда юқори таъсирили фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш муҳим аҳамият қасб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2911-сон “Республикада фармацевтика саноатини жадал ривожлантириш учун қулай шароитларни яратиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, 2018 йил 23 январдаги ПҚ-3489 сон “Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва мазкур фаолиятга оид меъёрий-хукуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Доривор ўсимликларнинг тинчлантирувчи таъсирини ўрганишда Т.П. Пўлатова, А.Қ. Фаниев, Х.У. Алиевларнинг илмий изланишлари алоҳида аҳамиятга эга. Шу билан бир қаторда, доривор ўсимликлар асосида тинчлантирувчи дори воситаларини ишлаб чиқиш ва яратишда У.М. Азизов, Х.М. Комиловларнинг илмий изланишлари ҳам катта аҳамият қасб этади.

Дунё миқёсида марказий асаб тизими қўзғалишига олиб келувчи (невроз, неврастения, мигренъ, уйқусизлик ва б.) хасталикларни даволашда қўлланиувчи доривор ўсимликлар асосидаги тинчлантирувчи дори воситаларини ишлаб чиқиш ва яратиш бўйича тадқиқотлар S.K. Mehta, E. Saxena, A.L. Sarma, Hei Ling, Helen Chan томонидан, МДҲда эса М.Н. Быстрова, М.А. Демидова, С.Я. Шнеур, В.Г. Макарова, А.В. Кузнецловлар томонидан олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтининг “Маҳаллий доривор ўсимликлар ва координацион бирикмалар асосида оригинал дори воситаларини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш” илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий ўсимлик хомашёси асосида янги “Флегмен” тинчлантирувчи йиғмасини яратиш, уни тиббиёт амалиётида қўллаш учун сифат меъёрларини белгилаш ҳамда стандартлаш усулларини ишлаб чиқишидан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

асаб тизими касалликларини даволашда ишлатиладиган доривор ўсимликлар асосида олинган тинчлантирувчи дори воситаларининг

адабиётларини таҳлил қилиш;

тинчлантирувчи “Флегмен” йиғмасини таркибини ишлаб чиқиш ва биологик фаол компонентларини аниқлаш;

йиғманинг сифат меъёрлари, стандартлаш параметрларини ишлаб чиқиш ва клиник олди фармакологик тадқиқотларни ўтказиш;

ишлаб чиқилган “Флегмен” йиғмасига меъёрий-техник хужжатларни (ВФМ ва ФМ) ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун тавсия этиш;

яратилган оригинал тинчлантирувчи дори воситасини тиббиётда қўллаш ва ишлаб чиқариш учун ЎзР ССВ “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси Давлат маркази” ДУКнинг руҳсатини олиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республикаизда ўсадиган доривор ўсимликлар: Регель қўзиқулоғи ўти (Phlomis regelii M. Pop.), туркистон арслонқўйруғи ўти (Leonurus turkestanicus L.), туксиз чучукмия илдизи (Glycyrrhiza glabra L.) ва қалампир ялпизи барглари (Menhta piperita L.) асосида яратилган “Флегмен” тинчлантирувчи йиғмаси олинган.

Тадқиқотнинг предмети янги тинчлантирувчи йиғманинг кимёвий таркибини ўрганиш, стандартлаш ҳамда тиббиёт амалиётида қўллашга татбиқ этиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда кимёвий, физик-кимёвий, фармакологик усуллардан фойдаланилди. Ишлаб чиқилган тинчлантирувчи дори воситасининг сифат назорати “Доривор ўсимлик маҳсулотлари таҳлил усуллари”, “Йигмалар” (ДФ XI, 1,2 қисм) умумий фармакопея мақоласи талаблари асосида амалга оширилган, миқдор таҳлилларида газ-суюқлик хроматография (“Chrom-5” Чехия), спектрофотометрия (8453 “Agilent Technologies” АҚШ), ионалмашинувчи суюқлик-колонкали хроматография (Т 339 Чехия), масс-спектрометрия (ICP-MSAT 7500 “Agilent Technologies” АҚШ) ишлатилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистонда ўсадиган доривор ўсимликлар асосида яратилган тинчлантирувчи “Флегмен” йиғмасининг рационал таркиби ишлаб чиқилган;

тинчлантирувчи йиғманинг морфологик-анатомик диагностик белгилари ва унинг таркибидаги доривор ўсимликларнинг кимёвий таркиби ҳамда миқдорий кўрсаткичлари аниқланган;

“Флегмен” дори воситасининг сифатини назорат қилиш ва стандартлаш усуллари ишлаб чиқилган;

йиғманинг сифатини белгиловчи ва аниқлигини тавсифловчи сон кўрсаткичлари ва унинг барқарорлигини таъминловчи сақлаш шароитлари ҳамда яроқлилик муддати аниқланган;

оригинал дори воситасини специфик фаоллиги ва фармако-токсикологик хусусиятлари исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси. Изланишлар натижасида янги тинчлантирувчи йиғма таркиби таклиф этилган. Ушбу йиғмани тиббиёт

амалиётига тадбиқ этиш учун меъёрий хужжатлар ишлаб чиқилган. “SORB-ТЕН” МЧЖда ушбу йигмани ишлаб чиқариш ўзлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда олинган натижаларининг ишончлилиги замонавий статистик таҳлил усулларида ва кимёвий, технологик, фармакологик тадқиқот усулларидан фойдаланган ҳолда ва клиник тадқиқотлар натижалари билан тасдиқланган. Тадқиқот натижалари тажриба-саноат шароитларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотларнинг илмий аҳамияти, биринчи марта маҳаллий хомашёлардан олинган оригинал йиғманинг ўзига хос таркиби илмий асосланган ҳолда тавсия этилган. “Флегмен” тинчлантирувчи дори воситаси фармакологик фаоллиги бўйича «Персен», «Новопассит», «Деприм», «Биопассит» «Вамелан», «Централ» «Седавит» «Фитосед», «Кратал» хорижий аналогларидан кам эмас ва маҳаллий ўсимлик хомашёларидан фойдаланган ҳолда саноат миқёсида ишлаб чиқариш имкониятининг мавжудлиги билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маълумотлар асосида “Флегмен” йиғмасини тинчлантирувчи восита сифатида тиббиёт амалиётига тавсия қилиниб, таклиф этилаётган дори воситаси саноатда ишлаб чиқаришга татбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Флегмен” тинчлантирувчи йиғмасининг сифат назорати ва стандартлаш усулларини ишлаб чиқишида олинган илмий натижалар асосида:

“Флегмен” 50 г, 100 г (полиэтилен пакетчалар, картон коробкаларда) тинчлантирувчи йиғмага Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази» ДУК томонидан тиббиёт амалиётида қўллаш учун рухсат берилган (21.06.2015 й.; 03-13-сон гувоҳнома). Натижада олинган препарат асаб касалликларини даволашда қўллаш имконини берган;

“Флегмен” тинчлантирувчи препарати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази» ДУК томонидан рўйхатига олинган (“FLEGMEN” № DV/M 00539/12/15). Мазкур меъёрий хужжатнинг тасдиқланиши маҳаллий хомашё асосида яратилган, иқтисодий жиҳатдан самарадор бўлган дори воситасини ишлаб чиқариш имконини берган;

дори воситасининг корхона фармакопея мақоласи “Флегмен” тинчлантирувчи йиғмаси учун меъёрий хужжат (ФМ 42 Уз-2320-2015) тасдиқланиб, “Флегмен” тинчлантирувчи препарати “SORB-ТЕН” МЧЖ корхонасида ишлаб чиқариш йўлга қўйилган (23.12.15 й. №29-сон гувоҳнома). Натижада “Флегмен” тинчлантирувчи дори препаратини ишлаб чиқариш импортни қисқартириб, бир қатор тиббий, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг аprobацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларда мұхокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 10 таси республика, 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқот мақсади ва вазифалари, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот обьекти ва предмети, илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг тадбиқи ва натижаларнинг чоп эттирилганлиги асослаб берилган.

Диссертациянинг “**Замонавий тинчлантирувчи воситалар, уларнинг таркиби ва тиббиётда тутган ўрни**” номли биринчи бобида адабиётлар маълумотларини ўрганиш, таҳлилий шарҳлаш натижасида олинган маълумотларни тизимлаштириш ва умумлаштириш тадқиқот мақсади ва вазифаларини аниқлаб олиш имконини берди.

Диссертациянинг ““**Флегмен**” тинчлантирувчи йиғмасини таҳлил қилишда фойдаланилган тадқиқот усуллари” номли иккинчи бобида йиғманинг таркибини ишлаб чиқиши, унинг сифатини белгиловчи сон кўрсаткичи, таркибидаги биологик фаол моддалар – flavonoидлар, сапонинлар, эфир мойи, аминокислоталар ва минерал элементларни аниқлашга доир усуллар келтирилган.

Диссертациянинг ““**Флегмен**” тинчлантирувчи йиғмасининг асосий биологик фаол моддаларини ўрганиш” номли учинчи боби йиғманинг асосий биологик фаол моддалари гурӯхларини аниқлаш, уларни идентификациялаш ва миқдор таҳлили, йиғманинг аминокислота ва элементлар таркибини ҳамда эфир мойининг компонент таркибини аниқлашда олиб борилган экспериментал тадқиқотлар натижалари мұхокамасига бағишиланган. Шунингдек, йиғмани сақлашдаги барқарорлиги бўйича тадқиқот натижалари ҳам келтирилган.

Асаб ва руҳий толиқиши ҳолатларини қўплаб учраб туриши ва аҳолининг тинчлантирувчи ўсимлик препаратларига бўлган талабининг юқорилиги сабабли янги тинчлантирувчи йиғмани ишлаб чиқиши долзарб масала ҳисобланади. Бунга асос сифатида республикада катта табиий заҳираларга эга бўлган тинчлантирувчи таъсирга эга бир қатор доривор ўсимликларни олиш мумкин.

Республикамизда саноат захираси етарли бўлган, тинчлантирувчи восита сифатида кенг фойдаланиладиган ўсимликлардан 4 та таркибли йиғмалари шакллантирилган. Тошкент фармацевтика институти Фармакология ва клиник фармация кафедрасида профессор Х.У. Алиев раҳбарлигига кўрсатиб ўтилган йиғмалар тинчлантирувчи таъсирини ўрганиш бўйича фармакологик скрининг-тестлар ўтказилган. Натижада келгуси тадқиқотлар учун шартли “Флегмен” номли йиғма танлаб олинди. Йиғма қуидаги таркибдан ташкил топган: Регель қўзиқулоғи ўти – 30 қисм, Туркистон арслонқўйруғи – 30 қисм, туксиз чучукмия илдизи – 20 қисм, қалампир ялпизи барглари – 20 қисм.

Регель қўзиқулоғи ўти (*Phlomis regelii M. Pop.*) тиббиёт амалиётига Тошкент фармацевтика институти ходимлари томонидан тинчлантирувчи восита сифатида киритилган (ВФС 42 Уз 0191-2002). Россиялик тадқиқотчилар томонидан шунга яқин ўсимлик тури (*Phlomis tuberosa L.*) марказий асаб тизимининг кучли қўзғалиш ҳолатлари, яъни невроз, эпилепсия, невротик уйқусизликда ва уларга яқин бўлган қон босимининг ортишида бошқа тинчлантирувчи воситалар билан биргаликда қўлланилиши кўрсатиб ўтилган. Тадқиқотларнинг биринчи босқичида йиғманинг бошланғич ташкил этувчилари таркибидаги биологик фаол моддалар миқдори аниқланди. Таҳлил натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

“Флегмен” йиғмаси компонентлари таркибидаги биологик фаол моддалар миқдори

№	Хом ашё номи	БФМ номи	Миқдор, %	
			НХ талаби бўйича	таҳлил натижалари бўйича
1	Регель қўзиқулоғи ўти	Флавоноидлар	4,0 дан кам эмас	5,11
2	Туркистон арслонқўйруғи	Флавоноидлар	1,0 дан кам эмас	1,27
3	Туксиз чучукмия илдизи	Сапонинлар	6,0 дан кам эмас	10,75
4	Қалампир ялпизи барглари	Эфир мойи	1,0 дан кам эмас	1,48

1-жадвал маълумотларига кўра, йиғманинг барча компонентлари таркибидаги биологик фаол моддалар миқдори норматив ҳужжат (НХ) талаблари доирасидадир. Сўнгра уларнинг “Флегмен” йиғмасидаги миқдори аниқланди. Регель қўзиқулоғи ўти таркибида флавоноидлар миқдори юқори эканлигини инобатга олган ҳолда, йиғмадаги флавоноидлар миқдорини НХда Регель қўзиқулоғи ўти учун таклиф этилган услугуб бўйича гиперозидга қайта хисоблаш орқали аниқланди ва қуидаги натижалар олинди (2- жадвал).

2- жадвал

“Флегмен” йиғмасидаги биологик фаол моддалар миқдори

№	Биологик фаол модда номи	Миқдор, %
1	Гиперозидга қайта хисобланган флавоноидлар миқдори	2,23
2	Сапонинлар (глицирризин кислота)	4,93
3	Эфир мойи	0,32

2-жадвал маълумотларига кўра, “Флегмен” йиғмаси таркибида биологик фаол моддалар миқдори ортганлиги кузатилади. Бундай ҳолат юзага 10

келишига йиғма таркибидаги компонентларнинг биологик фаол моддаларни күпроқ ажралиб чиқишига шароит яратиши сабаб бўлиб, ўз навбатида йиғманинг тинчлантирувчи таъсири алоҳида олинган компонентлар тинчлантирувчи таъсирига нисбатан юқори бўлишини таъминлади.


Қалампир ялпизнинг бошланғич хомашёси таркибидаги эфир мойи миқдори 1,48% ни ташкил этган бўлиб, йиғма таркибидаги унинг миқдори 0,28% га тенг бўлиши лозим эди. Аммо бизнинг тадқиқотларимизда эфир мойининг миқдори 0,31-0,33% ни ташкил этди. Йиғма таркибидаги эфир мойи миқдорининг ортишига сабаб қилиб, қалампир ялпиз баргларидан ташқари йиғма компонентларининг қолганлари ҳам ўз таркибидаги эфир мойи сақлашини кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари, туксиз чучукмия илдизи, сирт фаол моддаларнинг табиий манбайи сифатида, эфир мойининг ўсимлик объектларидан ажралиб чиқишини кўпайтириши мумкин ва бу ҳолат баъзига бир адабиётлар маълумотлари билан ҳам тасдиқланди.

Йиғма таркибидаги эфир мойининг компонент таркибини аниқлаш “Chrom-5” (Чехия) аланга-ионланиш детекторли газ-суюқлик хроматограф ёрдамида олиб борилди (усулнинг тўлиқ таърифи диссертация ишида келтирилган). Хроматографиялаш шароитлари: 10x25 мм узунликдаги шишили капилляр колонка; қўзғалмас фаза—SE-30; газ-ташувчи – азот; инжектор ҳарорати – 250°C; детектор ҳарорати – 260°C; ҳарорат дастури: 180-220°C дан 220-245°C гача мос равишда 10 ва 3°C/мин тезлик билан; ўзиёзар қоғознинг тезлиги – 0,3 см/мин; юборилаётган намуна ҳажми – 0,3 мкл.

Ишлаб чиқилган хроматография шароитлари “Флегмен” тинчлантирувчи йиғмаси таркибидаги эфир мойлари компонентларининг тўлиқ ажралишига имконият яратди. Газ-суюқлик хроматография таҳлили натижаларига кўра, тадқиқ қилинаётган эфир мойининг сифат таркиби жуда бойдир. Хроматограммада 32 та чўққи аниқланган бўлиб, улардан 9 таси ментол, а-пинен, гераниол, цинеол, лимонен, линалоол, карифиллен, фелландрен, цитраль сифатида идентификацияланган. Эфир мойининг асосий компонентлари ментол ва а-пиненлардир.

Йиғманинг аминокислоталар таркибини “Ostin LG ANB” (3,7 x 45 см) аналитик колонкали дастурий бошқарилувчи T-339 (Чехия) аминокислота анализаторида аниқланди. Таркибидаги турли компонентларни ажратиб олиш учун Na^+ – цитратли буфер эритмалардан фойдаланилди. Таҳлил натижалари 1-расмда келтирилган.

Йиғма таркибидаги аминокислоталарни идентификациялаш ва уларнинг наномоллардаги миқдорини аниқлаш аминокислоталар анализаторининг интегратори маълумотлари асосида амалга оширилди. Сўнгра аминокислоталарнинг умумий миқдорига нисбатан аниқланган эркин аминокислоталар миқдори фоизларда аниқланди. Тадқиқот натижасида “Флегмен” йиғмаси таркибидаги 16 хил аминокислота мавжудлиги, улардан 8 таси (лизин, фенилаланин, тирозин, лейцин, изолейцин, метионин, валин, треонин) алмашинмайдиган аминокислоталар эканлиги аниқланди.



1-расм. “Флегмен” йифмаси аминокислоталари хроматограммаси

1-аргинин, 2-аммиак, 3-лизин, 4-гистидин, 5-фенилаланин, 6-тироzin, 7-лейцин, 8-изолейцин, 9-метионин, 10-валин, 11-аланин, 12-глицин, 13-пролин, 14-глутамин кислотаси, 15-серин, 16-треонин, 17-аспарагин кислотаси.

Йифма таркибидаги аминокислоталардан глутамин кислотасининг микдори энг кўп (барча аминокислоталар микдорининг 14% ига тенг) бўлиб, ушбу аминокислота марказий асаб тизими касалликларини даволашда қўлланилади. Тадқиқот натижаларидан хулоса қилиш мумкинки, ўрганилаётган йифма таркибидаги аминокислоталар тинчлантирувчи йифманинг фармакологик фаоллигини таъминлашда иштирок этади.

“Флегмен” тинчлантирувчи йифмасининг элемент таркибини аниқлаш.

Доривор ўсимликларни минерал комплексларининг табиий манбай сифатида кўриб чиқиши орқали ушбу комплексларни ўсимликларда органик боғланган, яъни табиий йифинди сифатида қулай ўзлаштириладиган шаклда эканлиги кузатилади. “Флегмен” тинчлантирувчи йифмасининг элемент таркиби “Agilent Technologies” фирмасининг ICP-MSAT 7500 индукцион боғланган плазмали масс-спектроскопия асбобида аниқланди.


Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, “Флегмен” тинчлантирувчи йифмаси таркибидаги 39 элемент мавжуд: Li, Be, B, Na, Mg, Al, P, S, Cl, K, Ca, Ti, V, Cr, Mn, Fe, Co, Ni, Cu, Zn, As, Se, Br, Sr, Mo, Ag, Cd, Sn, Sb, Te, I, Ba, W, Os, Hg, Tl, Pb, Bi, U. “Флегмен” тинчлантирувчи йифмаси таркибидаги макроэлементлардан Cl, P, Br, Na, Cr, Ti, Zn, Sr кўп учрайди. Йифма таркибидаги ўтказилган стресс ҳолатлари асоратини енгиллаштирувчи Ca микдорининг кўплиги (9,6 мкг) эътиборга лойикдир. P, I, Mg, ва Br эмоционал ва жисмоний юкламалардан толиқкан организм иш фаолиятини тиклашда сезиларли тинчлантирувчи самара намоён қилиб, асаб тизимида ижобий таъсир кўрсатади. Оғир металлардан Pb ва Cd микдори йифма таркибидаги белгиланган чегарадан ортиқ эмас (СанПин 2.3.2.1078-01).

Диссертациянинг “Флегмен” тинчлантирувчи йифмасини стандартлаш” номли тўртинчи боби “Флегмен” тинчлантирувчи йифмасининг чинлиги ва юқори сифатли эканлиги илмий асосланган кўрсаткичларини ишлаб чиқишига ҳамда клиникагача ва клиник синовлари тадқиқот материалларида ўз аксини топган.

Йифманинг чинлигини тасдиқлаш учун унинг ташқи морфологик ва анатомик-диагностик белгилари аниқланди. “Флегмен” тинчлантирувчи

Йиғмасининг ташқи белгиларини таҳлил қилишда унинг доривор ўсимликларнинг илдизи, пояси, барги, гули ва пишиб етилмаган меваларидан ташкил топғанлиги аниқланди. Йиғманинг ранги оч-яшил, кучсиз ўзига хос ҳидли, таъми – нимширин, енгил музлатувчи.

Йиғманинг анатомик-диагностик белгиларини ўрганиши. Аввалдан қуқун ҳолатигача майдаланган йиғма микроскопнинг предмет ойнасидаги хлоралгидрат эритмаси томчисига жойлаштирилиб, устидан қопловчи ойна билан ёпилади. Препаратни аввал умумий аниқлик киритиш учун кичик катталаштиришда, сўнгра тўлиқроқ таҳлил учун катталаштирилган ҳолатда микроскопда кўриб чиқилди (2-расм). Натижада ўзига хос қуидаги белгилари аниқланган: Регель қўзиқулоғи ўтининг шоҳсимон тукчалари, безлари, оғизчалари, туркистон арслонқўйруғи ва қалампир ялпиз оддий туклари ва чучукмия илдизининг кристалл ўрамли толалар бўлаклари аниқланди.



2-расм. “Флегмен” йиғмаси қуқунининг микроскопияси

1-шоҳсимон тукчалар; 2-а, б-безлар; 3-а, б-оддий туклар;
4-най бўлаклари; 5-кристалл ўрамли толалар; 6-а, б, в-оғизча.

Йиғманинг аниқланган анатомик-диагностик белгилари НҲ лойиҳасининг “Микроскопия” бўлимига киритилган. ДФ XI нашри талабларига кўра йиғманинг юқори сифатлилик даражасини аниқлаш учун қуидаги сон кўрсаткичлари: қуритиш натижасида массанинг йўқотилиши, 10 % ли хлорид кислота эритмасида эримайдиган умумий қул ва қул миқдори, органик ва минерал ёт моддалар миқдори, биологик фаол моддалар миқдори аниқланди.

Одатда, ўсимликларни стандартлаштиришда уларнинг қизарган, сарғайган қисмлари, поянинг маълум бўлаклари бўлишига; барг хомашёси учун қорайган барглар бўлишига; ер устки қисмлари учун – бўлакчалар, қизарган, синган ва бошқаларнинг бўлишига руҳсат этилади. Биз барча ёт моддалар меъёрини бирлаштириб, ўзининг табиий рангини йўқотган хомашё бўлакларини ишлаб чиқилган НҲ лойиҳа кўрсаткичи сифатида келтиридик.

Сон кўрсаткичлари НҲ ва ДФ XI нашри талаблари асосида белгиланган услугуб бўйича йиғманинг бешта намунасида аниқланди. Таҳлил натижалари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

“Флегмен” йиғмасининг товаршунослик таҳлили натижалари

№	Таҳлил натижалари, %							
	Куритиш-да масса-нинг йўқотилиши	Уму-мий кул	10% ли HCl да эримайдиган кул	7 мм тешикчали элакдан ўтмайдиган бўлакчалар	0,5 мм тешикчали элакдан ўтадиган бўлакчалар	Табиий рангини йўқотган бўлаклар	Орга-ник ёт мод-далар	Мине-рал ёт мод-далар
1	8,41	8,73	2,05	5,1	2,8	1,9	1,32	0,9
2	9,62	8,70	2,00	7,5	3,2	1,7	1,15	0,4
3	9,30	7,90	2,15	6,9	3,2	2,1	1,25	0,5
4	8,50	8,60	2,30	6,4	3,0	2,4	1,10	0,7
5	9,67	8,70	2,25	6,9	3,2	2,2	1,20	0,7

Йирик зарралар миқдорини аниқлашда оптимал деб 7 мм тешикчали элаклар топилди. Ушбу кўрсаткич Туркистон арслонқўйруғи учун 17% дан, Регел қўзиқулоғи ўти учун 10% дан ошмаган ҳолатда рухсат этилади. Туксиз чучукмия илдизини йиғма таркибида майдаланган ва тозаланмаган хомашё кўринишида қўллаш мумкин. Бунда диаметри 10 мм дан катта бўлган бўлакчалар салмоғи 5% дан ошмаслиги керак. Лекин, туксиз чучукмия илдизининг катта бўлаклари ажралиб чиқиб, йиғманинг бир хиллигига путур етказиши мумкин. Айни вақтда туксиз чучукмия илдизининг майдаланган ва тозаланган хомашёси таркибида 6 мм диаметрдан катта бўлакчалар миқдори 10% дан ошмаслиги талаб этилади. НХда қалампир ялпиз барглари учун катта бўлакчаларни бўлишига рухсат этилмаган. Йиғмани 0,5 дан 7,0 мм оралиғида майдалаганда, унинг компонентларини бир текис тақсимланиши кузатилган ва бундай ҳолат препаратни тўғри дозалашда катта аҳамиятга эгадир. Тинчлантирувчи йиғманинг фракцион таркибини аниқлаш учун элаклаш таҳлили ўтказилди. Элаклаш таҳлили натижалари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал


“Флегмен” тинчлантирувчи йиғмасининг элаклаш таҳлили натижалари

№	7 мм тешикчали элакдан ўтмайдиган бўлакчалар, %	Бўлакчалар миқдори, %, диаметрли тешикчалардан ўтадиган, мм						
		7	5	3	2	1	0,5	0,2
1	5,1	94,9	38,1	24,1	14,8	2,2	1,5	1,1
2	7,5	92,5	33,2	25,3	14,9	2,6	1,3	1,4
3	6,9	93,1	34,3	27,2	13,6	3,0	1,2	0,9
4	6,4	93,6	34,2	28,4	13,4	2,7	1,1	0,7
5	6,6	93,4	32,8	27,2	14,6	2,8	1,4	1,2

“Флегмен” йиғмасининг товаршунослик таҳлили натижаларига кўра куйидаги сон кўрсаткичларининг меъёрлари: намлик 13,0% дан умумий кул миқдори 10,0% дан; 10% ли HCl да эримайдиган кул миқдори 3,0% дан; табиий рангини йўқотган хомашё бўлаклари миқдори 3,0% дан; 7 мм диаметрли элакдан ўтмаган хомашё бўлаклари миқдори 10,0% дан; 0,5 мм


диаметрли элакдан ўтган хомашё бўлаклари миқдори 4,0% дан; органик ёт моддалар миқдори 2,0% дан, минерал ёт моддалар миқдори 1,0% дан ортиқ эмаслиги аниқланди.

Йиғманинг биологик фаол моддалари миқдорини аниқлаши бизнинг навбатдаги тадқиқотларимиз мақсади бўлиб хизмат қилди. Ўсимликлардан олинган препаратлар, одатда, йиғманинг терапевтик самарадорлигини белгиловчи биологик фаол моддалар бўйича стандартлаштирилади. Тадқиқ қилинаётган “Флегмен” йиғмасини стандартлашда биз хомашё – йиғма – тайёр дори шакли қаторининг меъёр ва усуллари кўрсаткичларини унификациялашни таъминлайдиган “туташ” тамойилига амал қилдик. Терапевтик самарадорликни таъминловчи флавоноидлар йиғиндиси асосида ўрганилаётган йиғманинг асосий компонентлари стандартлаштирилди. Флавоноидлар миқдорини аниқлаш бўйича услуга ишлаб чиқиши учун AlCl_3 нинг 1% ли эритмаси билан реакцияга киритиш орқали йиғманинг спиртли ажратмалари УФ-спектри ўрганилди (3, 4-расм).



3- расм. Тадқиқ этилаётган ўсимликлар ва йиғманинг алюминий хлорид эритмаси билан реакциясидан олдин олинган УФ-спектрлари

а) Регел қўзикулоғи ўти спиртли ажратмаси УФ-спектри; б) Туркестон арслонқўйруғи спиртли ажратмаси УФ-спектри; с) “Флегмен” йиғмаси спиртли ажратмаси УФ-спектри.



4-расм. Спиртли ажратмаларни алюминий хлорид эритмаси билан реакциясидан сўнг олинган УФ-спектрлари

а) Регел қўзикулоғи ўти; б) Туркестон арслонқўйруғи; с) “Флегмен” йиғмаси.

4-расмдан кўринадики, бошлангич компонентларни AlCl_3 нинг 1% ли эритмаси билан реакциясидан сўнг ютилиш максимуми 406 нм, йиғма

эритмасиники эса 405 нм да кузатилди, яъни ютилиш максимумини фақат 1 нм га силжиши кузатилди.

Натижада flavonoидлар йиғиндиси алоҳида ўсимликларда ҳам, “Флегмен” йиғмасида ҳам 405-406 нм оралиғида бир хил максимумга эга бўлди. Бу ҳолат $AlCl_3$ эритмаси билан реакциясидан сўнг миқдор таҳлилнинг спектрофотометрик услубини ишлаб чиқишига имкон яратди (услубнинг тўлиқ талқини диссертация ишида келтирилган).

5-жадвалда flavonoидларнинг миқдор таҳлили натижалари ва уларнинг статистик ишланмалари келтирилган.

5-жадвал

“Флегмен” тинчлантирувчи йиғмаси таркибидаги flavonoидлар миқдорини аниқлаш натижалари

X_i	f	$X_{ср}$	d_i	d_i^2	Метрологик кўрсаткичлар
0,883			-0,0092	0,000085	$P=95\%$; $t(P,f)=2,78$
0,889			-0,0032	0,000010	$S^2=0,000049$; $S_{x\bar{y}p}=0,0031$
0,891	4	0,892	-0,0012	0,000001	$\Delta X=0,0195$; $\Delta \bar{X}=0,0087$;
0,897			0,0048	0,000023	$E=2,18$; $e_{\bar{y}p}=0,97$
0,901			0,0088	0,000077	

5-жадвал маълумотларига кўра, “Флегмен” тинчлантирувчи йиғмаси таркибидаги flavonoидлар миқдори 0,88-0,90% оралиғидадир. Олинган маълумотларга асосланган ҳолда йиғмадаги flavonoидлар меъёри 0,4% дан кам эмас деб белгиланган.

Йиғмага \bar{X} ишлаб чиқиши ва сақлашдаги турғунлигини аниқлаш. “Флегмен” янги тинчлантирувчи йиғмаси катта табиий заҳирага эга бўлган маҳаллий оффицинал доривор ўсимликлардан ташкил топган. Туксиз чучукмия илдизининг сақланиш муддати 4 йилга, Регел қўзиқулоғи ўти ва арслонқўйруқ учун 3 йилга, қалампир ялпизи барглари учун 2 йилга тенгдир.

Ўрганилаётган йиғманинг яроқлилик муддатини аниқлаш мақсадида препаратнинг ВФМ лойиҳаси талаблари асосида қоғоз пакетларга 50 г дан қадоқланган 5 та лаборатория намуналари тайёрланди ва табиий шароитда сақлаш учун қуруқ ва қоронғи хонага жойлаштирилди. Йиғманинг ўрганилаётган намуналари учун унинг сифатини белгиловчи сон кўрсаткичлари аниқланди. Flavonoидлар миқдорини юқорида келтирилган спектрофотометрик усулда аниқланди. Йиғманинг 5 та намуналари товаршунослик таҳлили натижалари 2 йил давомида таркибидаги намлик ва умумий кул миқдори сезиларли ўзгармаганлигини кўрсатди. Аммо хомашёдаги табиий рангини йўқотган бўлакчалар миқдорини 1,7 дан 2,4% га ортганлиги кузатилди. Кузатувлар жараёнида, яъни 2 йил давомида flavonoидлар миқдори 0,80-0,90% дан 0,74-0,78% га камайди.

Товаршунослик ва кимёвий таҳлил натижалари асосида аниқланишича, 2 йил давомида сақлаш талабларига риоя қилинганда “Флегмен” йиғмаси таъсир этувчи моддаларни сақланиши бўйича синовлар талабларига жавоб берди (flavonoидлар миқдори 0,4% дан кам эмас).

Ўтказилган фармакологик тадқиқотлар натижасида аниқланишича, “Флегмен” йиғма дамламаси маҳаллий қитиқловчи, кумулятив ва аллергик хоссаларга эга эмас, узоқ муддат қўлланилишида токсик таъсир кўрсатмади ва натижада амалда заарсиз дори воситалари гуруҳига мансублиги исботланди. Дамламани ҳайвонларга борилганда тахминий рефлексларни сусайиши кузатилди ва бу ўз навбатида “Флегмен” йиғмасининг сезиларли тинчлантирувчи таъсирга эга эканлигидан далолат берди.

“Флегмен” йиғмаси ҳайвонларнинг ўз-ўзидан ҳаракат фаоллигига таъсирини тиббиётда кенг қўлланиладиган “Новопассит” препаратига таққослаш орқали олиб борилди ва бунда “Флегмен” тинчлантирувчи йиғмаси нисбатан юқори биологик самарадорликка эга эканлиги аниқланди.

“Флегмен” йиғмаси дамламасининг сурункали токсиклигини ўрганиш жараёнида унинг узоқ муддат терапевтик дозаларда қўлланилиши натижасида организмнинг асосий органлари ва тизимларига салбий таъсир кўрсатмаслиги аниқланди. “Флегмен” тинчлантирувчи йиғмаси ҳайвонларнинг ўлимига сабаб бўлмаслиги, уларнинг умумий ҳолатини ёмонлашувига, массасининг камайишига, периферик қоннинг хужайра таркибига ва ички органларнинг гистоморфологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатмаслиги клиник олди синовларда аниқланди.

“Флегмен” тинчлантирувчи йиғмасининг клиник тадқиқотлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий амалий тиббиёт марказининг неврология бўлимида ҳамда Тошкент тиббиёт академиясининг клиник аллергология ВОП-терапияси ва ички касалликлар пропедевтикаси, гематология, касб касалликлари кафедраларида олиб борилди.

З та клиник тадқиқотлар натижаларига асосланган ҳолда аниқланишича, “Флегмен” препарати келтирилган кўрсаткичлар бўйича юқори самарали дори воситаси сифатида эътироф этилди. Клиник тадқиқотлар натижасида тинчлантирувчи восита сифатида “Флегмен” препаратининг bemорларда ижобий клиник самарадорлиги ва кўтараолиши аниқланди.

“Флегмен” тинчлантирувчи йиғмаси астено-невротик синдром ва невроз билан бирга кечувчи турли касалликларни даволашда самарали эканлиги тасдиқланди ва уни тиббиёт амалиётида қўллашга тавсия этилди.

Иловада, статистик маълумотларни қайта ишланган вариантлари, натижалари, илмий иш янгиликларини амалиётда қўллаш бўйича тегишли далолатномалар келтирилган.

ХУЛОСА

1. Биринчи марта маҳаллий ўсимликлардан ташкил топган янги тинчлантирувчи “Флегмен” йиғмаси яратилди ва олиб борилган комплекс тадқиқотлар натижасида йиғманинг асосий биологик фаол компонентларида флавоноидлар, сапонинлар ва эфир мойлари, шунингдек, йиғма эфир мойининг, ҳамда элемент таркиби, аминокислоталар ўрганилди. Турли реактивлар билан олдиндан ва кейинчалик таъсир кўрсатиш орқали

тинчлантирувчи йифманинг спиртли ажратмаларининг УБ-спектрлари маълумотлари асосида флавоноидлар миқдорини аниқлаш усули яратилди.

2. Тадқиқ этилаётган йифманинг товаршунослик ва кимёвий таҳлиллари асосида унинг сифати ва чинлигини белгиловчи сон кўрсаткичлари меъёрлари ва улар асосида стандартлаш тизими ишлаб чиқилди. Йифмани сақлашнинг мўътадил муддатлари тажрибаларда исботланди.

3. “Флегмен” тинчлантирувчи йифмасининг клиник олди ва клиник тадқиқотлар натижалари уни марказий асаб тизими билан боғлиқ турли касалликларни (невроз, неврастения, мигренъ, уйқусизлик) даволашда тинчлантирувчи восита сифатида кўллашга тавсия этишни асослаб берди.

4. Олинган натижалар асосида “Флегмен” тинчлантирувчи йифмаси учун корхона фармакопея мақоласи ишлаб чиқилди ва «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси Давлат маркази» Давлат унитар корхонаси томонидан тасдиқланди (ФМ 42 Уз-2320-2015). “Флегмен” йифмаси тинчлантирувчи дори воситаси сифатида тиббиётда ишлатиш мақсадида рўйхатдан ўтказилди (№ DV/M 00539/12/15 сон гувоҳнома).

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси Давлат маркази ДУК томонидан “Флегмен” тинчлантирувчи йифмасига 50 г, 100 г (полиэтилен пакетларда, картон кутиларда) тиббиёт амалиётида кўллаш учун 2013 йил 21 июнда 03-13-сон гувоҳнома олинди, ва “SORB-ТЕН” МЧЖда ишлаб чиқаришга татбиқ қилинди. Бу эса тинчлантирувчи дори воситасини импортини камайтириш имконини беради.

6. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан “Флегмен” тинчлантирувчи йифмасига 2016 йил 26 апрелда MTN 635 “ФЛЕГМЕН”, “FLEGMEN” товар белгиси берилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017. Far.32.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**
ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

СИДАМЕТОВА ЗАЙНАБ ЭНВЕРОВНА

СТАНДАРТИЗАЦИЯ НОВОГО СЕДАТИВНОГО СБОРА «ФЛЕГМЕН»

**15.00.02 – фармацевтическая химия и фармакогнозия
(фармацевтические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ ПО
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИМ НАУКАМ(PhD)**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.3.PhD/Far18.

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета(www.pharmi.uz) и Информационно-образовательном портале ZiyoNet по адресу: www.ziyonet.uz.

Научный руководитель: **Олимов Немат Каюмович**
доктор фармацевтических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Урманова Флюра Фаридовна**
доктор фармацевтических наук, профессор

Бобаев Исомиддин Давронович
доктор фармацевтических наук, старший научный
сотрудник

Ведущая организация: ГУП «Государственный Центр экспертизы и
стандартизации лекарственных средств, изделий
медицинского назначения и медицинской техники»

Защита диссертации состоится «___» 2018 года в «___» часов на заседании научного совета DSc.27.06.2017.Far.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте (адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38; факс: (+9987)256-45-04; e-mail: pharmi@pharmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер ____). Адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Автореферат диссертации разослан «___» 2018 года
(Реестр протокола рассылки №___ от «___» 2018 года).

И. И. Алимджанов

Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.м.н., профессор

Ё.С. Кариева

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.ф.н., профессор

С.Н. Аминов

Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время во всем мире из-за увеличения потока информации, возникновения различных стрессовых ситуаций растет число заболеваний, связанных с нервными расстройствами, что ведет к увеличению потребности в седативных средствах. По данным Всемирной организации здравоохранения, большинство населения земли в течение жизни сталкивается с нервно-психическими проблемами и употребляет психотропные препараты¹. В последние годы лидерами производства седативных лекарственных препаратов являются Германия, Франция, Австрия, Польша и Индия. Производство седативных лекарственных препаратов отечественными производителями является перспективным и имеет большое значение.

На сегодняшний день на мировом уровне проводятся научные исследования по разработке, производству и повышению эффективности лекарственных средств, применяемых при лечении таких заболеваний, как невроз, невротические расстройства и состояние депрессии, проявляющиеся в результате нарушения нервной системы. Следует отметить, что множество существующих седативных лекарственных средств являются синтетическими и имеют побочные эффекты. Поэтому возрастают потребность в препаратах растительного происхождения. Одной из важнейших задач научных исследований, проводимых в данном направлении, является разработка и стандартизация седативного средства, полученного на основе таких растений, произрастающих в Узбекистане, как зопник Регеля (*Phlomis regelii* M. Pop.), пустырник туркестанский (*Leonurus turkestanicus* L.), мята перечная (*Menhta piperita* L.), солодка голая (*Glycyrrhiza glabra* L.). Следует отметить, что седативное лекарственное средство, полученное на основе местного сырья, по комплексному действию резко отличается от известных импортируемых средств. Создание и внедрение в медицинскую практику нового седативного лекарственного средства «Флегмен» актуально тем, что позволит уменьшить объем ввозимых по импорту лекарственных препаратов и сократить их ассортимент.

Одной из важнейших задач современной фармацевтической науки является разработка инновационных седативных лекарственных средств на основе научно-обоснованных комбинаций лекарственных растений. В IV главе Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в период на 2017-2021 годы определены наиболее значимые социальные задачи государства «по обеспечению населения эффективными и доступными лекарственными средствами и решению экономических и социальных проблем»². Создание для решения этих задач свободных экономических зон «Замин-фарм», «Паркент-фарм», «Сирдарё-фарм», «Косонсой-фарм», «Бустанлик-фарм»,

¹Информационный бюллетень ВОЗ. 2017/2.

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

«Нукус-фарм», направленное на насыщение отечественного рынка лекарственных средств высококачественными препаратами отечественного производства, с учётом уникальных условий выращивания лекарственного растительного сырья, организации его глубокой переработки и выпуска высокоэффективной фармацевтической продукции имеет важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Постановлениями Президента Республики Узбекистан ПП-2911 от 20 апреля 2017 года «О мерах по созданию благоприятных условий для ускоренного развития фармацевтической промышленности республики», ПП- 3489 от 23 января 2018 года за «О мерах по дальнейшему упорядочению производства и ввоза лекарственных средств и изделий медицинского назначения», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

